

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги
Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети халқаро
журналистика факультети
Маданиятлараро алоқалар, адабиёт ва таҳрир кафедраси

РЕФЕРАТ

Мавзу: Асқад Мухторнинг “Чодирхаёл” ҳикояси
НОМЛАНИШИ

Бажарди: Мадина Мирзақобилова (201 гуруҳ)

Текширди: Шахноза Тўйчиева

Тошкент-2013

I. Кириш. Саккизинчи мўъжиза

II. Асосий қисм:

1. Лирик шоир, таниқли адиб, моҳир таржимон.

2. Давр нафаси

3. “Чодирхаёл” ҳақида

III. Хулоса. Маънолар хазинаси.

Отам йиғлар ўпиб Қуръонни,
Навоийни ихлос-ла ушлаб:
— Бу дунёда яшаб қолсайдик
Битта яхши китобга ўхшаб.

(М.Каримова)

Китобга меҳр қўймаган, туйғуларининг тўлқинлари қалб қирғоғига келиб урилмаган, асардаги образлардан ҳаяжонланиб ўрناق олмаган ёки нафратланмаган, бу тасвирлардан таъсирланиб йиғламаган ўқувчи бўлмаса керак. Инсоннинг ички дунёси қанчалар бой ва гўзал бўлиши, ҳаётга қай назар билан боқиши ҳам китоб ўқишга боғлиқ. Китоб ўқиган инсоннинг эса дунёқараши кенг бўлади. Китобни ҳис қилиш учун эса унинг қаҳрамонлари ўрнига ўзингизни қўйиб кўришингиз лозим. Шундагина сиз у билан яшайсиз, у билан куласиз ва у билан йиғлайсиз. Айнан китоб меҳр-мурувват, оқибатни янада кучайтиради. Китоб мутолааси учун ажратиладиган вақт бесамар ўтмайди. Камалак етти хил жилоланиб, барчани мафтун қилганидек, яратилган муносиб асарлар дурдоналар ичра барчани ўзига чорлайверади. Жамиятимизда мингдан ортиқ касб — ҳунар ва турли соҳалар мавжуд бўлиб, ҳар бир соҳанинг ўз усталари бор. Улар орасида айнан сўз санъати усталари — бадиий адабиёт вакилларига бўлган бундай эътибор, эҳтиром бежиз эмас. Ҳар қандай соҳа вакили бўлмасин адабиётга меҳр қўйиб, ундан маънавий озуқа олиб яшайди. Барча бадиий ва илмий адабиётлар инсоният ҳаётидаги воқеа-ҳодисалар тагидаги ҳақиқатни кўра билиш ва ифода эта олишга хизмат қилади. Ҳаётга ва ундаги ҳодисаларга гўзаллик кўзи билан қарашга ундайди. Адабиётнинг, бадииятнинг тенгсиз сеҳр-у таровати, руҳий ва маънавий озуқа манбаи, эзгулик ва рўшноликнинг дояси эканлигини Ўткир Ҳошимов шундай исботлайди: «Дейлик, концертга тушдингиз. Созанда соз чалаяпти, хонанда кўшиқ айтаяпти, раққоса рақсга тушаяпти. Сиз томошани кўзингиз билан кўриб, қулоғингиз билан эшитиб завқланасиз. Энди тасаввур қилинг: сиз

китоб ўқияпсиз. Оқ қоғозда қора чизиклар — ҳарфлардан бўлак ҳеч нима йуқ. Ранг ҳам, овоз ҳам, раққосанинг ҳаракатлари ҳам... Аммо асарни ўқишга киришишингиз билан кўз ўнгингизда рангин манзаралар пайдо бўлади. Қулоғингиз остида ажиб оҳанглар жаранглай бошлайди. Китобдаги одамларнинг қисматига шерик бўлиб, ўзингиз билмаган ҳолда беихтиёр ларзага тушасиз... Ҳеч шубҳасиз, бадиий адабиёт — дунёдаги саккизинчи мўъжиза!»¹ Адабиётни мўъжизага айлантиришда ёзувчи — ижодкорларнинг ўрни беқиёсдир. Зеро, биз уларнинг асарларини ўқиймиз-у, дардимизга қанчайин шерик бўла олганлигини ҳис қиламиз-у, бироқ ойнанинг қоронғу томони бўлгани каби ёзувчи ҳаётининг китобхон эътиборидан четда қолган томонлари борлигини англаб етавермаймиз. Дунёда ана шу саккизинчи мўъжизани яратаётган инсонларнинг ўзи алоҳида мўъжиза эканлигига, уларда оддий инсонларнинг кўнглидан, қалбидан, ҳаётдан фарқ қиладиган ўзига хослик, алоҳидалик борлигига эътибор берамизми?

Кишилиқ жамиятининг тараққиёти давомида турли-туман моддий ва маданий ёдгорликлар яратилган. Ана шундай бебаҳо ёдгорликлардан бири — китоб. Китоб билан ҳаёлан бўлсада сўзлашиш, сирлашиш, қаҳрамонлар дардлари билан ўз дарду аламини енгиши, бирни ўқиб фикр қилиши ва бирни кўриб шуқр қилиши мумкин. Китоб инсоннинг энг яқин дўсти, билимлар манбаи. Кутубхоналар эса чин маънода хазиналар маскани. Буюқ олим, тиббиёт илмининг даҳоси бўлган бобкалонимиз Абу Али ибн Сино оғир дардга чалинган подшоҳни даволаганида, уни муқофотламоқчи бўлган шоҳдан табиб фақат сарой кутубхонаси — хазиналар маконидан фойдаланиш учун руҳсат сўрайди. Кутубхона — маърифатли днёга очилган эшиклигини ва китоб бебаҳо эканлигини ушбу мисолдан ҳам билиб олиш мумкин.

Биз биламизки, тафаккур миянинг бир нуқтасидаги фаолияти натижаси эмас, балки мия пўстлоғининг бир қанча нуқталари фаолияти ассоциацияси натижасидир. Бинобарин, тафаккурда, яъни фикр юритишда қатор ақлий жараёнлар – анализ, синтез таққослаш, абстракция, умумлаштириш ва бошқа

¹ Лапасова М. Мустақиллик даври адабиётида хотира жанри.

жараёнлар фаол иштирок этади. Шундан кейин биз улар натижалари асосида ҳукм, хулоса чиқарамиз, бир тўхтамга келамиз. Бизда муайян тушунча юзага келади, бунди мия пўстлогининг ихтисослашган ҳужайралари – нуқталари фаолияти ассоциацияланади. Демак, қисқа қилиб айтганда, миянинг аклий-интеллектуал қобиляти шу ихтисослашган нуқталарнинг қанчалик ривожланганлигига боғлиқ. Уни ривожлантиришнинг манбаи эса бу – китобдир. Инсон китоб мутолаа қилар экан, шу нуқталар жуда секин, сезилмас даражада ривож олиб боради. Чунки одам китоб ўқиш жараёнида ички нутқ билан бир вақтда фикр юритади. Қанча кўп фикр юритса, шунча кўп мия нуқталари такомил топади, ривожланади. Бу – ҳақиқатда ҳам игна билан кудуқ қазишнинг ўзгинасидир. Лекин ой-кунлар ўтади, йиллар ортда қолади, инсон китоб мутолаа қилишда давом этар экан, бора-бора мия ривожланиб боради. Ривожланган мия оддий одамни мураккаб инсонга айлантиради. Мураккаб инсон эса кўп кашфиётларга, кўп яратувчанликка, кўп доноликка қодир бўлади. Мени инсон қилган китобдир десалар ҳеч иккиланмай ишонинг. Албатта, қанақа китоб ўқишга қараб миянинг у ёхуд бу нуқталари ривожланади. Чунончи, бадиий китоблар ҳис-туйғуларни, турмуш машмашаларини ечишни, ҳаётий муаммоларни ҳал қилишни, гўзалликни севишни, ёмондан яхшини, адолатдан адолатсизликни, оқдан қорани ажратишни, меҳр қўйиш, севиш, нафратланиш, ғазабланиш каби ҳислатларни ўргатса, илмий китоблар фанларнинг қай бир соҳасини ўргатади, билим беради, мияни ихтисослайди ва ҳоказо. Демак, бадиий китоб ҳаётга ўргатса, илмий китоб мутахассисликка ўргатади.

Шунинг учун ҳам ота-оналар фарзандларини китоб мутолаа қилишга одатлантиришга ҳаракат қилади. Фарзандининг дунёқараши кенг бўлиши билан бир қаторда у мактабда диктантлар ёзишда қийналмайди. Кўп китоб ўқиган бола ҳар бир сўзнинг қандай ёзилишини кўз ўнгида сақлаб қолганлиги учун хато қилмайди. Кўриб турганингиздек бу билимлар унга нафақат мактабнинг бошланғич синф даврида балки кейинги босқичлар, жумладан лицей ва коллежларда ўқиётган кезларида ҳам ас қотади. Олий

ўқув юртларида ҳам ушбу билимлар ҳамроҳ бўлади. Шу сабаблидир балки биз китобни ҳеч бир иккиланишсиз саккизинчи мўъжиза дея оламиз.

Бугунги кунда адабиётимизда яратилаётган хотира жанри саккизинчи мўъжиза ихлосмандларига унинг бунёдкорлари — ёзувчи ва шоирлар шахсидаги ана шу алоҳидалик ўзига хослик ҳақида сўз юритади. Мустақиллик даврига келиб адабиётимизда бу борада фахрланса арзигулик ишлар амалга оширилди. XX асрда яшаб ижод этиб, адабиётимиз хазинасини тўлдиришда тинмай меҳнат қилган ижодкорларимизни ўз замондошлари томонидан ёзилган эсдаликлари йиғилиб, «замондошлари хотирасида» шаклидаги тўпламлар юзага кела бошлади. Улар ижодкорнинг оддий китобхонга мавҳум бўлган томонлари — шахсий ҳаёти, ижодий фаолиятидан ташқаридаги ўй — хаёллари ҳақида маълумот беради. Бугун биз ўрганмоқчи бўлаётганимиз хотира жанрининг илдизи буюк адабиётшунос олим, ғазал ва сўз мулкининг султони бўлган Алишер Навоийнинг XV аср адабий-маданий ҳаётини ўрганишда муҳим манба ҳисобланган «Мажолис ун-нафоис» асарига бориб тақалади. Бугунги кунга келиб эса Навоий бобомиз бошлаб берган мана шу йўл кенгайиб, янги бир «замондошлар хотирасида» шаклидаги тўпламлар юзага келмоқдаки, булар ўқилиши анчайин мароқлилиги билан бир қаторда нафақат оддий китобхон, балки адабиётшунослар учун ҳам ижодкор шахсини янада яқиндан билиш, ёзувчи лабораториясига теранроқ кириб бориш имкониятини яратди. Асқад Мухтор ҳақидаги замондошлари хотирасини ўқиб китобхон кўз ўнгида ижодкорнинг қатъиятли, олийжаноб қиёфаси гавдаланади, бир маҳоратли ёзувчи сифатида ҳамма вақт талантли инсонларни қидирганини, уларни имкон даражада авайлагани, асрагани, асарларини китобхонга танитишда катта фидоийлик қилганини кўрамыз. Талабалик йилларида биринчи марта ёзган асарини минг бир истиҳола билан «Шарқ юлдузи» журнаliga топширган Ўткир Ҳошимов ўз хотираларида Асқад Мухторни шундай эслайди: "Қўнғироқ қилиб ўзимни таништирдим. Ниятимни бир амаллаб тушунтирган бўлдим. «Мен Мухторовман, -деди гўшакни олган одам — асарингиз яхши. Учинчи сонда эълон қилаяпмиз».

Ростини айтсам, тамомила эсанкираб қолдим. Аввало, унча-мунча одам билан эмас, журналнинг бош муҳаррири кимсан Асқад Мухторнинг ўзи билан гаплашаётган эканман... Қанча-қанча романлар, шеър ва дostonлари билан машҳур бўлиб кетган Асқад Мухтордек одам мен билан жуда оддий тарзда, худди, ўзининг тенгдошидек гаплашди. Орадан йиллар ўтиб, Асқад ака билан яқиндан танишгач, бу инсоннинг ҳаммага бирдек муомала қилишини, бениҳоя оддий ва камтар инсон эканлигини англадим". Ўткир Ҳошимовнинг хотираларини ўқиб, бугунги кун китобхони тасавурида Очил бобонинг фидойилигини, Орифнинг камтарлигини, Аҳмаджоннинг собитлигини ўзида мужассам этган жуссаси кичик, аммо қалби улкан дарёдил Асқад Мухтор қад ростлайди. Асқад Мухтор "Ёзувчиман десангиз – яхши одамман дегандай. Адибман деб қўя қоламан", дердилар. Чиндан ҳам яхши инсон замондошлари ва келажак авлод хотирасида яхши ном, яхши амаллар билан умрбодга муҳрланиб қолади. Асқад Мухтор ҳам шундай инсонлардан бири эди. Атоқли шоир, носир ва драматург, Ҳамза номидаги Республика Давлат мукофоти лауреати Асқад Мухтор 1920 йили Фарғона шаҳрида темир йўл ишчиси оиласида туғилди. У 11 ёшида отасидан етим қолиб, болалар уйида тарбияланган. Мактабни тугатгач, Асқад Мухтор Навоий номидаги Ўзбекистон Давлат университетига (1938) кириб ўқиди. Сўнг Андижон педагогика институтида ўзбек адабиёти кафедрасининг мудирини бўлиб ишлади. Асқад Мухторнинг Тошкентга келиши унинг фаолиятида янги саҳифа очди. У «Ёш ленинчи» (1945), сўнгра «Қизил Ўзбекистон» рўзномасининг муҳарририятларида бўлим мудирини, масъул котиб, «Шарқ юлдузи» ойномасида (1960—1965) бош муҳаррир, Ўзбекистон Ёзувчилари уюшмаси котибинини (1957) бўлиб ишлади. «Гулистон» ойномасида, «Ўзбекистон адабиёти ва санъати» ҳафталигида бош муҳаррир бўлиб ишлади. Асқад Мухтор «Тилак», «Тонг эди», «Тотли дамлар» сингари илк шеърлари (1935—1938) да поезиянинг мақсад ва вазифасини, шоирнинг жамият олдидаги бурчини аниқлаб олишга интилди. У поезияга «Қалбга қанот», «дардга даво» берувчи деб қарайди. Шоир Улуғ Ватан уруши

бошланиши билан «Ғалаба ишончи», «Жангчининг байрам кечаси», «Туғишганлар қайтди», «Соғиниш», «Москванинг қалби» сингари катор поетик асарлар яратиб, халқни фашист босқинчилари устидан ғалаба қозонишга ундади. Ватан гўзалликларини, туганмас бойликларини, халқ ҳаётидаги катта ўзгаришларни тасвирловчи «Пўлат қуювчи» (1947), «Ҳамшаҳарларим» (1949), «Раҳмат, меҳрибоним» (1954), «Чин юракдан» (1956) шеърӣй китоблари шоирнинг катта ижодий ютуқларидандир. Асқад Мухторнинг «Мардлик чўққиси» (1948), «Яхшиликка яхшилик» (1949), «Самандар» каби пьесалари драматургиямизда болалар ҳаётининг, шунингдек, ишчилар синфи турмушининг ёритилиши жиҳатидан муҳим аҳамиятга эга. Ёзувчининг «Дарёлар туташган жойда» (1950), «Қорақалпоқ қиссаси» (1958), «Бухоронинг жин кўчалари» каби қиссалари, «Опасингиллар» (1954—1955), «Туғилиш» (1963), «Давр менинг тақдиримда» (1964), «Чинор» (1973) романларида замонамизнинг муҳим муаммолари ўзифодасини топган. «Чин юракдан» (1956) шеърӣй китоби, «Ҳаётга чақириқ» (1956), «Дунё болалари» (1962) ҳикоялар тўплами ўзбек болалар адабиёти хазинасини бойитди. «99 миниатюра», «Карвон кўнғироғи» шеърӣй китоблари 60-70-йиллар ўзбек шўро шеърӣятида катта воқеа бўлди. Уларда инсон қалбининг товланишлари чуқур интеллектуал ҳис-туйғу воситасида бадиий баркамол талқин этилган. Асқад Мухтор таржимасида Софокл, Тагор, Пушкин, Лермонтов, Маяковский, Горкий, Шевченко, Блок, Корнейчук, Павленко асарлари ўзбек китобхонларининг маънавий мулкига айланди. Лирик шоир, таниқли адиб, моҳир таржимон сифатида Асқад Мухтор маданиятимизни бойитишда ўзининг муносиб ҳиссасини қўшган ижодкорлардандир. Ўзбекистон халқ ёзувчиси (1980). Ўрта Осиё университетининг филология факультетини тугатган (1942). Дастлабки достони — «Бизнинг авлодлар» (1939). «99 миниатюра» (1962), «Шеърлар» (1966), «Сирли нидо» (1984) ва бошқа шеърӣй тўпламлар муаллифи. «Бўронларда бордек ҳаловат» (1976) қиссаси ҳамда «Давр менинг тақдиримда» (1964), «Чинор» (1969), «Амударё» (1986) каби романлари бор.

«Мардлик чўққиси» (1948), «Чин юракдан» (1956), «Илдизлар», «Жар ёқасидаги чақмоқ» (1984), «Кумуш тола» (1988) сингари асарлари болаларга бағишланган. «Тонг билан учрашув» (1987) песалар тўплами нашр этилган. Ҳамза номидаги Ўзбекистон Давлат мукофоти лауреати (1972). «Дўстлик» ордени билан мукофотланган (1995). 1997 йил 17 апрелда Тошкент шаҳрида вафот этган.

Бадий адабиёт инсоншунослик экани, бадиият учун инсонпарварликдан кўра улуғроқ эзгулик йўқлиги шўро даври адабиётида, адабиётшунослик илмида жуда кўп такрорланар эди. Чиндан ҳам шундай! Бироқ, инсонни ёруғ оламдаги жамики жонзотларнинг сарвари қилиб турган омил тафаккур ва онг экан, ҳар қандай инсонпарварлик тафаккурпарварлик, фикрпарварликдан бошланмоғи керак эмасми?! Кейинги йиллар ҳикоячилигимизда айна шу — фикрий хурликка мойиллик, фикрпарварлик тамойили, айниқса, бўртиб кўринмоқда. Шунга кўра ҳар бир ижодкор бирор асар яратар экан, бу унинг бир фарзандидек қалби кўридан чиқади. Ижодкор бирор бир ижод намунаси — асарини яратар экан унда албатта, ўзи гувоҳи бўлган воқеалар, ўзи таниган, билган инсонлар, исмлар ва образларни иштирок эттириб яратади. яратаётган асарининг прототипи ўзи яшаётган замонда мавжуд бўлади. Бу эса асарнинг ҳаётий ва халқчил бўлишини таъминлайди. Халқ ҳаёти акс этган асар табиийки, ўқувчи эътиборини торта олади. Ҳамма замонда ҳам ўз даврининг воқеа-ҳодисалари акс эттирилган ижод намуналари мавжуд бўлган. Қай бир жиҳати бўлса ҳам давр нафаси уфураётганлигини кўрсатиб туради. Яъни қаҳрамон, ҳудуд, уй-жойларнинг қурилиш ва безалиш услуби, кийимлар, касб-корлар ва иборалар... XX асрда яратилган асарларда шу давр ҳодисалари, муаммолари ва ютуқлари ифода этилади. Адибнинг «Фано ва бақо», «Кўк тош», «Омон қолган одам» сингари ҳикоялари ҳам фалсафий мағзининг теранлиги билан, ҳам шаклий ўзига хослиги билан ибратли. Ҳикояларнинг барида Асқад Мухтордек тажрибали адибнинг салоҳияти, фикр шоирининг салмоғи, қалам соҳибининг самимияти балқиб туради. “Атоқли адиб Асқад Мухторнинг «Чодирхаёл» ҳикояси (1988

йили эълон қилинган) қаҳрамонлари ўзларининг фикрсизликлари билан... ўзгаларни фикрлашга, фикрий фаолликка ундайдилар. Ўз инсоний кадр-кимматини англаб етмаслик, ҳаётдаги ўрнини фарқлай олмаслик, сурункали фикрий танбаллик одамни маънавий тубанлик сари тортиб кетаверади. Ҳикоядаги етти қаҳрамоннинг қисмати шу, уларнинг ҳатто исм-шарифи ҳам йўқ: Биринчи, Иккинчи, Учинчи... Еттинчи, холос. Демак, фикрсиз одамга исм ҳам шарт эмас, у жисман мавжуд, лекин инсоннинг том маънодаги мўътабар зотлиги унинг тафаккур соҳиби эканлигида акс этади”². Асқад Мухторнинг “Чодир хаёл” ҳикояси ҳажман кичик, аммо унинг замиридаги мазмун, адиб айтмоқчи бўлган фикр жуда кенг қамровли. Ҳажман кичкина бўлишига қарамай бу ҳикояда моҳир ёзувчимиз ўша даврнинг ижтимоий аҳволи, одамларнинг фикрлаши, турмуш тарзи муносиб очиб берилган. Яъни давр нафаси уфуриб турибди. Бу эса асарнинг қийматини белгилаб беради. Балки шунинг учундир уни ўқиган китобхон бироз ўйга толади. Тўғрида, бугунги кунда юртимизда ҳеч бир киши ушбу асар қаҳрамонларидек фикрламайди. Бугунги замонавий китобхон бу каби ижод намуналарни мутолаа қилмайди, деб ўйлаш бир томонлама қараш бўлади деб ўйлайман. Аввало тарихий ва ўтмишимиз акс этган дурдона асарлар ҳамиша ўз ўқувчисига эга бўлган ва кейин ҳам уларни мутолаа қилувчилар кўплаб топилади. Бежиз “тарихий хотирасиз келажак йўқ” деб айтилмайди. Бу кичик ҳикоя ҳам ана шундай ижод намуналаридан бири ҳисобланади. Ҳар бир давр ҳақида ҳикоя қилувчи асарлар бўлганидек, буйруқбозлик, шахсга сиғиниш даврининг ҳам ўз асарлари мавжуд.

“Бу ерда ҳамиша шовуллаб тупроқ тўкилиб туради. Тепалик ўйилган жойда тикка девордан, белкурагу кетмондан, шўр босган елкалардан, чўкич зарбидан, кажави замбиллардан шитирлаб тўкиларди. Бу шовуллаш ўн беш-йигирма йил наридан келаётгандай, бўғиқ, доим бир маромда аллалаб эшитилади... дея бошланиб, — Оғизларингдан гуллаб қўймаларинг, каламуш йўл кўрсатди деб! Каттамизнинг ори келиб, бизни нотўғри тушуниб

² Дўстмуҳаммад Х. Фикр шоирининг ҳикоялари. 1995.

Ўтирмасин!...”³ деб яқунланувчи ушбу ҳикоя ғоясини биринчи марта ўқиб тушуниш қийин. Китобхон нима учун ҳикояни айнан шу ном билан номлаганига ҳайрон қолади. Дастлаб чодир хаёл сўзи атиги бир маротабагина қўлланган ҳикояга унинг нима даҳли бор, деган савол туғилиши табиий. Бу сўз фақатгина “Ёруғлик орқадан тушгани учун, миёнагина тикмачоқ гавдаси чодирхаёлнинг кўғирчоқ соясидек липиллаб кўринади, яқинига борган одам қорачўғларида ишга астойдил ихлосни ўтини пайқайди...” ўрнида қўлланган. Яқинда менинг ҳам кўлимга Асқад Мухторнинг “Чодирхаёл” ҳикояси тушиб қолди. Ҳикоянинг номланиши менда қизиқиш уйғотди. Бошқа китобхонлар катори мен ҳам унинг маъносини кидирдим. Бу сўзнинг маъносини Ўзбекистон миллий энциклопедиясидан кидирдим. Унда ёзилишича, “Чодирхаёл — ўзбек анъанвий кўғирчоқ театри тури бўлиб, Ўзбекистон ҳудудида тахминан VI асрда пайдо бўлган ва XIV асрнинг иккинчи ярми XVI асрнинг бошигача кенг тараккий этган. Одатда кўғирчоқларнинг боши, ияги, тирсаги, билаги, тиззаси, тўпиғи иплар билан боғланиб, бир учи дастчўпга уланиб, парда ортида турган кўғирчоқбоз дастчўпдан ушлаб кўғирчоқни саҳнага олиб чиқади ва ипларни тортиш орқали уларни ҳаракатга келтиради. Сайилгоҳ, кўча ёки ҳовлида орти табиий тўсинли жой танланиб, узунлиги 5-6 м, бўйи 2-2.5 м келадиган рангдор ёки йўл-йўл читдан парда тутилади. Унинг ўртаси кесилган бўлади. Чодир деб аталган бу жойнинг ортида узунлиги 3-3.5 м, бўйи 20-25 см келадиган ички қора чодир бўлиб, унинг ҳам пастки томони 180 см узунликда ва 70-75 см баландликда есилади ва ўйин жойи ҳосил қилинади. Ички чодир остона, устун, болор, тирговучлардан иборат мослама билан тикланиб туради. Ярим метргача ичкарида қора орқа парда бўлади. Томошалар одатда, кечқурун, кўрсатилиб, 50 тагача кўғирчоқ ўйнатилган. Чодирхаёлда дастлаб халқ афсоналари, мифологик сюжетлар ёритилган бўлса, XVIII-XIX асрларда унда сатирик бўёқлар билан сарой ҳаёти, бозор манзаралари акс этган”⁴. Ҳикояни номи ҳақида ўқидиму у

³ Мухтор А. Чодирхаёл.

⁴ Ўзбекистон миллий энциклопедияси. 11 том. – бет.

қўғирчоқ театри ҳақидамикин деб ўйладим. Аслида, асар тақдирининг ярмидан кўпроғи унинг номланишига боғлиқ. Ўқувчи бирор китобни ўқиш учун танломоқчи бўлганда, унинг номи, дизайни ва боб, сарлавҳаларнинг номига қараб танлайди. Китобнинг номи эса унинг ярим тақдирини — ушбу китоб китобхонни ўзига жалб этиб, ўқишлик бўлишини, таъминлайди.

Ушбу ҳикоядаги қаҳрамонларга исм берилмаганига алоҳида эътибор қаратиш лозим. Чунки уларга ном беришнинг ҳам кераги йўқ. Ахир улар ҳеч ким! Уларнинг ўз шахсий фикри ҳам йўқ. Фақатгина бошлиқ — Ҳоким Тўраевичнинг буйруғи, топшириғи билан иш тутайди. Уларнинг «Қўшимча мажбуриятни муддатидан олдин бажарамиз!»⁵, деган шиори ҳам бор. Ҳатто ҳурмат тахтаси ҳам. Бу қайсидир маънода ишчини руҳлантиради, меҳнат унумдорлигини оширади ва ғурур туйғуси ҳам уни ишлашга ундайди. Етти қаҳрамон қонда ишлайди. Уларнинг ҳар бирини бажарадиган вазифаси белгиланган. Улар худди чодир хаёлнинг қўғирчоқлари. Саҳна — ёруғ дунёда ўйнайдиган роли, образи бор. қўғирчоққа ўхшашлигининг яна бир жиҳати шундаки, уларга режиссёр — “бошлиқ” томонидан роллар бўлиб берилган. улар ижобий ва салбий қаҳрамон ролини “тақсимлайди”. Улар касби бўйича билимларни олиб ўқиган, аммо уқмаган. Берилган вазифани бажариш фикригина ўрнашган уларнинг хаёлига. Улар қовлаётган ерни тупроқ босиб қолганда бу яққол кўринади. Нима қилишни билмай “Нима қилардик... Ҳеч ким топшириқни бекор қилгани йўқ, ҳар қандай об-ҳаво... тоес ҳар қандай шароитда...

— Ўзи қайси томоний казиётувдик? — деди бу ваҳимали зимзиёда боши айланиб қолган Иккинчи.

— Мана бу томонни... — Бешинчи қоқила-сурила орқа девор томонга юрди.

— Мана бу ёқ очик эди. Мана бу «Ҳурмат тахтаси» — ён девор, демакки...”⁶. Бу пайтда пайдо бўлган инструкция — бамисоли мушқули кушод. Бу инструкция бирининг ўғлининг пластилини эканлигини билгач

⁵Мухтор А. Чодирхаёл

⁶ Ўша адабиёт

(пластилиннинг инструкция қоғозига нон ўраб келгани кейин ёдига тушиб қолади) бошқа умид қолмаган етти киши аҳволини тасаввур этиш мумкин.

Адиб бу ҳикояси билан нима демоқчи? Бу улар яшаган даври билан боғлиқ. Чунки бу даврда бу каби кишилар кўп бўлган. Улар марказдан берилаётган буйруқни сўзсиз бажариш билан қаторда, ўз кадрини унутган. Чиқиш йўли беркилиб қолганда тепадан кўнғироқ қилишдан сахнасида шунай гаплар бор.

“— Аҳвол қалай? — деган овоз эшитилди.

— Аҳвол ёмон эмас...

Трубкадан келаётган овоз, шубҳасиз, Ҳоқим Тўраевичники эди. Ҳамма жим бўлди. Бироқ телефон симлари шикаст еган эканми, қанча нафас ютиб кулоқ олишмасин, барибир уёғини яхши эшитишолмади. Лекин Олтинчи тошпирикни яхши уққан эди, оммага етказди.

— Ҳоқим Тўраевич, аввало, қора кўзларга менинг саломимни етказинг, дедилар.

— Ана, айтмадимми, ўйлайдиган катталаримиз бор, акаси, — деди Бешинчи киприкларини қўлқопи билан артиб.

— Ҳа, ўйлашяпти, — давом этди Олтинчи. — Фордагиларни кутқаришни ўйладик, дедилар. Аммо биз ташқаридан қазийлик десак бу хавфли экан, тепаликнинг бирор жойи бутунлай босиб қолиши бор. Шунинг учун топшириқ бундай: Ўзларингиз шароитга қараб эҳтиёт билан мустақил ҳаракат қилинглари, дедилар...” Аммо, аммо улар буйруқ олиб, уни бажаришга одатланган. Мустақил ҳаракат қилиш учун ҳам фикр керак. Уни кимдир айтмаса, нимани бажаради улар. Орасидан бир кишини бошлиқ деб танлаб, унинг “буйруқлари”ни бажариши керак эди. Аммо уни танлаш ҳам раҳбарга нисбатан “яхши” иш қилмаслик дегани! Хуллас уларнинг каламушчалик ҳам ҳаракати йўқ. Шу каламуш бўлмаганида, улар ер остида қолиб кетишлари мумкин эди. Ҳикоя қаҳрамонлари ўзининг қўлидан ҳеч нима келмаслигини, “шароитга қараб эҳтиёт билан мустақил ҳаракат қилиш”ни ҳам эплай олмаганлигидан уялиб, каламуш йўл кўрсатганлигини асло бошқаларга айтиб

кўймаслиги ҳақида ўзаро келишиб олишади. Уларда уят ҳисси бор экан, нима учун бошқа туйғулар уларга бегона? Адиб ҳам айнан шуни — мустақиллик, касбий етуклик, эркин ҳаракатни йўқлигини айтмоқчи бўлган.

Бу ҳикояни ўқиганимдан сўнг хулосаларим шундай бўлди. Ҳикояни ўқиган ҳар бир китобхон ўзича, ўзгача хулоса чиқаради. Икки, уч маротаба ўқиган ўқувчининг ўйлари ва фикрлари янада кўп ва кенг бўлади. Катта ижодкорларнинг бадиий тафаккурига хос бўлган хусусиятлар турли даврда яратилган асарларда муайян кўринишда, турли мақомларда кўзга ташланаверади. Асқад Мухторнинг кейинги босқичдаги ҳикояларида кузатилган фикрпарварликка мойиллик устоз адиб яратган ҳикоясида ҳам сезилгани шу маънода ниҳоятда асосли ва мантиқли ҳодисадир. «Инсонга куллуқ қиладурмен» (Ғ. Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1994; «Ҳазина» ижодий-илмий ишлаб чиқариш бирлашмаси тайёрлаган) китобидан ўрин олган кўп ҳикояларда яхшилик ва ёмонлик, меҳр-мурувват ва оқибат, инсонийлик шаъни ва разолат орасида курашиб яшаётган оддий одамларнинг гоҳ мураккаб, гоҳ жайдари образлари яратилган.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Асқад Мухтор. Чодирхаёл
2. Лапасова Малоҳат. Инсон хотираси буюқдир абад.
3. www.google.com
4. www.ziyonet.uz
5. www.kitob.uz
- 6.